ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИДА ҲИСОБОТ-САЙЛОВЛАР

# ТАНҚИД ВА ТАКЛИФ

**АНГРЕН «Резинотехника» заводида 10 та партия группасининг ҳаммасида ҳисобот-сайлов йиғилишлари бўлиб ўтди. Коммунистлар йиғилишларда КПСС XXVII съезди, Ўзбекистон Компартиясининг XXI съезди, КПСС Марказий Комитетининг июнь (1986 йил) Пленуми қарорларини амалга ошириш юзасидан бажарилган ишларни чуқур ва ҳар томонлама таҳлил этдилар, хўжалик ҳамда маданий қурилишга партия раҳбарлигини такомиллаштириш, ташкилий-партиявий ва идеология ишлари самарадорлигини оширишга кўмаклашувчи вазифаларни белгилаб олдилар.**

«Резинотехника» заводи 3-қобиқ тайёрлаш цехи коллективи шу йилнинг ўтган ойлари ичида пландан ташқари 300 минг сўмликка яқин маҳсулот ишлаб чиқарди. Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан меҳнат унумдорлиги 5 процентга ўсди. Кадрлар қўнимсизлиги эса 2,5 процентга камайди. Сабзавот омбори биноси сифатида қўлланиладиган улкан резина қобиққа август ойида давлат сифат белгиси берилди.

Мазкур участка аҳли корхонанинг илғор коллективларидан ҳисобланади. Қобиқ тайёрлаш участкаси коммунистлари ўз ҳисобот-сайлов йиғилишларида асосий эътиборни илғор тажрибаларни кенг қўллаш туфайли эришилган ютуқларни таъкидлаган ҳолда асосий эътиборни йўл қўйилган камчиликларга қаратдилар.

— Цехимизда қайта қуриш секинлик билан бормоқда, — деди ҳисобот-сайлов йиғилишида доклад қилган партия группаси ташкилотчиси Н. Донских, — топшириқлар ойма-ой ортиғи билан адо этилаётган бўлсада, лекин меҳнат унумдорлигини янада ошириш, маҳсулот сифатини яхшилаш резервларидан самарали фойдаланилмаяпти.

Докладчининг фикрларини музокарада қатнашган коммунистлар тўлдирдилар. Улар картошка қазувчи комбайн учун эҳтиёт қисмлар тайёрлаб берувчи бўлинма ишидаги камчиликларга алоҳида тўхталиб ўтдилар. Бу ерда меҳнат ва ишлаб чиқариш интизоми талаб даражасида эмас. Технологик жараёнларга тўла амал қилинмаяпти. Инженер-техник ходимларнинг шахсий масъулиятини оширишга етарли эътибор берилмаяпти. Партия группаси ҳисобот даврида биронта ҳам коммунистнинг ҳисоботини тингламади.

Маҳсулот сифати талаб даражасида эмас. Бунга 1-цех етказиб бераётган хомашё ҳам сабаб бўлаяпти. Чунки у сифатсиз. Партия группаси яримтайёр хомашё етказиб берувчи 1-цех партия группаси билан маҳсулот сифатини яхшилаш бўйича қўшма мажлис ўтказди. Кўрилган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди. Лекин қарор ижроси устидан етарли назорат ўрнатилмади. Натижада маҳсулот сифати ҳамон пастлигича қолмоқда.

Коммунистлардан Н. Бикбоева партия йиғилишларини ўтказиш ва коммунистлар активлигини ошириш билан боғлиқ муаммоларни ўртага ташлади.

— Партия йиғилишлари кун тартибига қўйилаётган масалаларни тайёрлашда кенг актив жалб этилмайди, кўпчиликнинг фикр ва мулоҳазалари ўрганилмайди, — деди у. — Натижада докладлар йиғилганларда қизиқиш уйғотмайди, муҳокама суст бўлади.

Ишчилардан Н. Абдалимова, О. Кахонова, Н. Қосимовалар комсомол ташкилотига раҳбарлик талаб даражада эмаслигини таъкидладилар, оммавий-сиёсий ишларга етарли эътибор берилмаётганини, физкультура ва спорт ишлари ўз ҳолига ташлаб қўйилганлигини танқид қилдилар.

1-цех бирлашган участкалар партия группаси ҳисобот-сайлов йиғилиши ҳам танқид ва ўз-ўзини танқид руҳида ўтди. Докладчи, партия группаси ташкилотчиси А. Дмитриев жумладан шундай деди:

— Ойнинг дастлабки ўн кунлигида ўрта ҳисобда планнинг 10 проценти, иккинчи ўн кунликда 30 проценти, учинчи ўн кунликда штурмчилик билан 60 процентга миқдорида маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда. Шунинг учун учинчи ўн кунликда тайёрланаётган маҳсулот сифати пасайиб кетаяпти. Партия группаси ишлаб чиқаришга етарли таъсир кўрсата олмаяпти. Технологияга амал қилмаслик ҳоллари кўп учраяпти. Ана шундай камчиликларга йўл қўйилганлиги учун цех бошлиғи, катта мастер ишдан бўшатилди. Лекин янги раҳбарлар ҳам ишлаб чиқаришга ўсиб бораётган талаблар асосида етакчилик қила олмаяптилар.

— Ишни қайта қуриш ҳақида йиғилишларда узундан-узоқ гапиряпмиз-у, лекин амалий иш бўлмаяпти, — деди вулканизатор А. Кусмарцев, — баҳона қидирмай амалий ишга ўтиш вақти келди. Ҳар сменада иш жойини тартибга келтириш учун 15 минут ажратилади. Лекин биз бу вақтни бекорга ўтказамиз, иш вақтидан унумли фойдаланмаймиз. Технология нормаларига етарли эътибор берилмайди.

Музокарага чиққан Г. Иванова, Н. Климанова, Б. Акбарова каби коммунистлар самарали меҳнат қилиш учун зарур шарт-шароит яратиб бериш, оммавий-сиёсий ишларни талаблар даражасида олиб бориш лозимлигини уқтирдилар.

5-цех ремонтчилар бригадаси коммунистларининг ҳисобот-сайлов йиғилишида партия группаси ҳисобот даврида талаб даражасида ишламаганлиги қайд этилди. Иш планлари қоғозда қолиб кетди. Ўтган ҳисобот даврида бор-йўғи икки марта партия йиғилиши ўтказилди. Партия топшириқларининг бажарилиши устидан етарли назорат ўрнатилмади. Партиявий, оммавий-сиёсий ишлар сусайиб кетди. Шунинг учун коммунистлар Н. Колосовни партия группаси ташкилотчилигига қайта сайламадилар.

**Б. ПУЛАТОВ,**
**«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.**

# МОТОР ЗАВОДИ ИШНИ ЖАДАЛЛАШТИРМОҚДА

ТОШКЕНТ мотор заводи маркаси қўйилган двигателларга биринчи сифат категорияси берилди. Йил бошидан буён сифат ҳақида биронта ҳам эътироз олинмади. Асосий янгиликлардан бири бош корхона — Минск мотор заводидан олинаётган деталларнинг камайтирилганлигидир.

Тошкент мотор заводи қурилиши Чирчиқнинг ўнг соҳилидан бошланди. Бу ерда 27 минг квадрат метр саҳнли ишлаб чиқариш корпуслари барпо этилди. Уларда ўзига хос синов майдони жойлашди. Мустаҳкам ишлаб чиқариш базаси вужудга келтирилди ва бу ерда ҳозир кам туркумли моторлар ишлаб чиқарилмоқда. Вазифа — ёш коллективни «пишиқтиришдан» иборат. Чунки бу коллектив кейинчалик пахта териш машиналари учун 80 ва 100 от кучи қувватли моторлар ишлаб чиқаришга ўтади. Технология занжирида механика-йиғув, штамповкалаш — пайвандлаш ҳамда асбобсозлик цехлари бор. Бу цехларда ҳозирнинг ўзидаёқ рақамли программа билан бошқариладиган 70 та станок, 15 га яқин металлга ишлов берувчи марказ ўрнатилди. Тўғри, бу машина-ускуналарнинг ярим қувватидан ҳам фойдаланилаётгани йўқ. Киров номли Витебск станоксозлик заводида тайёрланган бир дона ишлов бериш марказининг ўзи 100 минг сўмга тушди. Бундай ускуналарнинг бекор туриши мутлақо йўл қўйиб бўлмайдиган ҳашаматдир. Хўш, нега бундай бўляпти? Бунинг сабабларидан бири машина-ускуналарнинг мукаммал эмаслигидир. Аслини олганда, у маънавий жиҳатдан эскириб қолган. Ҳарорат режими сал ўзгариши билан электрон блоклар ишдан чиқиб қолмоқда. Ундаги 15 минг контактдан биттаси ишдан чиқса ҳам, станок узоқ вақт тўхтаб қолади.

Иккинчи сабаби — рақамли программа билан бошқариладиган станокларга қараб турадиган ва созлайдиган малакали мутахассисларнинг етишмаслигидир.

— Шунга қарамай, бу аҳволдан чиқишга ҳаракат қиляпмиз, — дейди завод бош инженери Э. Барковский. — Мотор ишлаб чиқариш плани коллектив ўзагини ташкил этувчи кишиларнинг куч-ғайрати туфайли бажарилмоқда. Виктор Гришин, Юрий Дербасов, Валерий Меляев бригадалари мана шу станокларни созлаб самарали ишлашни ўрганиб олди. Лекин бу камлик қилади. Деталлар ясашни ўзлаштириш графигидан орқада қолиб кетдик. Аммо бунинг учун жиҳозлар, асбоблар, материаллар етишмаяпти...

Корхонани оталиққа олган «Минск трактор заводи» бирлашмаси ҳамда трактор ва қишлоқ хўжалиги машинасозлиги министрлиги яхши ёрдам кўрсатишмаяпти. Маҳсулотлар жуда қийинчилик билан етказиб берилмоқда. Машина-ускуналар ва асбоблар ўрнига йиғиш учун тайёр деталлар юборилмоқда. Айрим раҳбарларга бундай аҳвол маъқул тушиши мумкин эди, чунки ташвиш камроқ бўлади. Лекин мотор заводидагилар оталиқ ташкилотларнинг бу муносабати ишчилар маҳоратини ошириш, ишлаб чиқариш потенциалини юксалтириш йўлида ғов бўлишини тушунадилар.

Мотор заводининг ўнг соҳилдаги қисми асосий комплекс ҳисобланади. Биргина механика-йиғув цехи 23 минг квадрат метр жойни эгаллаган. Бу фақат унинг биринчи навбати. Графикка мувофиқ, учинчи кварталда ҳозироқ етказиб берилган автомат линияни монтаж қилишни бошлаб юбориш керак. Лекин монтаж майдончасидаги сукунатга қараганда, бу муддат ҳам хавф остида.

— Бу йил корхонада 12 миллион сўмликдан зиёд қурилиш-монтаж ишлари бажарилиши керак, — деди буюртмачи вакили, Тошкент мотор заводи директорининг ўринбосари К. Шчемлев. — Биз камида икки миллион сўм орқада қолмоқдамиз.

Бош пудратчи «Промстрой» тресги 500 киши ўрнига ҳар куни 100 кишини ажратаётганлиги ҳам ажабланарлидир. Бўм-бўш ишлаб чиқариш корпусида бажариладиган ишлар ошиб-тошиб ётибди: полларни қуриб битказиш керак, пардозлаш ишлари ярми бажарилгани йўқ, вентиляция монтаж қилинмаган.

## ИШГА ТУШИРИЛАДИГАН ОБЪЕКТЛАРДА

Харьковдаги «Гипротракторсельхозмаш» лойиҳачиларининг режасига кўра, Тошкент мотор заводи энг замонавий талабларга жавоб бермоғи керак. Буюртмачилар ва қурувчиларнинг айтишларича, ҳақиқатан ҳам лойиҳа чакки эмас. Уни қайта тузишга тўғри ҳам келмаяпти. Лойиҳа бош инженери Николай Романович Стоборев юз бераётган муаммоларни тез ва малакали ҳал қилмоқда. Хуллас, фақат материаллар ва ишчилар етишмаслиги сабаблигина иш суръати ошмаяпти.

Тўғри, ўнг соҳилдаги бошқа объектларда — алюмин қуйилмалар цехида, маъмурий корпусда, омборлар блокида иш яхши кетаяпти. Бироқ механика-йиғув комплекси — Тошкент мотор заводининг юрагидир. Корхона лойиҳадаги қувватни қанчалик тез ўзлаштириши шу комплекснинг ишга туширилишига боғлиқ.

1988 йилда завод планлаштирилган кўрсаткичларга эришмоғи керак. Ҳамма маҳсулот Чирчиқнинг ўнг соҳилида ишлаб чиқарилади. Чап соҳилидаги комплексчи? У эса экспериментал базага айланади. Бу ерда халқ хўжалигининг кўпгина тармоқларида қўлланиш мумкин бўлган кам серияли моторлар тайёрланади, оммавий равишда ишлаб чиқариладиган моторлар айни шу ерда такомиллаштирилиб, унинг янги модификациялари тайёрланади. Шу билан бирга ностандарт ускуналар ишлаб чиқариш йўлга қўйилади.

Корхона тўла ишга тушириладиган вақтгача яна кўп проблемаларни ҳал этиш керак. Булардан энг муҳими — коллективни малакали кадрлар билан тўлдиришдир.

Мотор заводи йўлланмаси билан юз нафардан ортиқ йигит ва қиз Владимир Трактор заводига стажировкага кетди. Уларнинг кўпи у ерда рақамли программа билан бошқариладиган станокларда ишлашни ўрганмоқда. Бошқа бир группа Минск шаҳрига жўнашга тайёрланмоқда. Тошкентдаги бошқа ҳунар-техника билим юртлари, шунингдек политехника институтлари билан ҳам шартнома тузилди. Институтлар корхонага инженерларни юборишлари керак.

Мотор заводи ишламоқда ва қурилмоқда. Республика асосий қурилиш объектларидан биридаги кўп сонли бинокорлар коллективларининг бир маромда меҳнат қилиши, уюшқоқлиги кўп марта намуна қилиб кўрсатилди. Бугунги кундаги энг муҳим вазифа — юз бераётган нуқсонлар ва узилишларни тугатиб, жадаллаштиришга эришишдан, қўлдан бой берилган вақтнинг ўрнини қоплашдан иборат. Тошкент мотор заводи бутун ишлаб чиқариш комплексини фақат шу йўл билан белгиланган муддатда ишга тушириш мумкин.

**Л. ЛЕВИН,**
**ЎзТАГ мухбири.**

## МАКТАБ ЁШИДАГИЛАР УЧУН

Чирчиқ пойабзал фабрикасининг учинчи цехида мактаб ёшидаги ўғил болалар ва қизлар учун янги этикчалар ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.

Куни кеча цех коллективи янги маҳсулотнинг дастлабки йирик сериясини савдо тармоқларига юборди.

Йил охиригача цех ишчилари 57 минг жуфт қизлар ҳамда 34 минг жуфт ўғил болалар этикчаларини ишлаб чиқаришади.



**◆ ФОТИМА Бегматованинг Ғазалкент консерва заводида ишлаётганига эндигина тўрт йил бўлди. Шу қисқа давр ичида ўзининг меҳнатсеварлиги, чаққонлиги, муомаласи билан коллективда ҳурмат-эътибор қозонди, номи илғорлар қаторида тилга олинадиган бўлди. Шу кунларда Ф. Бегматова КПСС Марказий Комитетининг совет халқига Мурожаатномасига жавобан янада зўр ғайрат билан меҳнат қилмоқда. Суратда: Фотима Бегматова.**

(ЎзТАГ фотохроникаси).

## ДАСТЛАБКИ НАТИЖАЛАР

▲ РАЙОН агросаноат бирлашмасига қарашли Бекобод пахта тозалаш заводи коллективи шу йилнинг ўтган даврида яхши ишлади ва жадаллаштириш йўлидаги дастлабки ютуқларни қўлга киритди.

Заводда маҳсулот реализация қилиш плани 118,5 процентга бажарилди. Меҳнатни ташкил этишнинг прогрессив усулларидан омилкорлик билан фойдаланиш, меҳнат интизомининг мустаҳкамлиги, кадрлар масъулиятини ошириш туфайли 11 миллион 812 минг сўмлик маҳсулот реализация қилишга эришилди. Бу планда кўрсатилганидан 1 миллион 842 минг сўм кўп эканлиги айниқса қувончлидир. Ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш плани ҳам ошириб адо этилди. Пландаги 9970 минг ўрнига 11316 минг сўмлик тола, чигит ва бошқа маҳсулотлар тайёрланди. Маҳсулот сифати яхшиланди.

Корхонанинг асосий маҳсулоти — тола ажратиб олишда, айниқса қувончли натижалар қўлга киритилди. Съездлар йилининг ўтган ойлари мобайнида 5060 тонна тола ишлаб чиқариш планлаштирилган эди. Амалда бу кўрсаткич 5262 тоннага етди ёки план 104 процентга бажарилди.

**А. БОБОНАЗАРОВ.**

*• Энг яхши агитаторлар тажрибасидан*

# СЎЗДА ВА АМАЛДА

В. Ишченко ўзининг дастлабки суҳбатини эслаб ҳалиҳали кулиб қўяди. Таниқли темир йўл ишчиси, коммунистик меҳнат зарбдори Мария Михайловна Белкова унинг суҳбатига шундай баҳо берган эди:

— Василий Лукьянович, лекциянгиз жуда силлиқ чиқди, хафа бўлмайсиз-у, газета-журналларни канда қилмай ўқиб боришингиз шундоққина билиниб турибди.

Ишченко бу гап танқидми ё мақтовми, анчагача фарқлай олмай юрди. Лекин, ўзининг холис тингловчиси томонидан берилган баҳонинг моҳиятини сўнгроқ тушуниб етди. Ўшанда Белкова агитаторга ҳаққоний гапни айтган эди. Дарвоқе, газета ва журналларни ўқиш билангина яхши агитатор, самимий суҳбатдош бўлиш мумкин эмас. Шунинг учун ҳам у ўз устида қунт билан ишлай бошлади. Тажрибали агитаторларга эргашиб, суҳбат ва лекцияларида қатнашиб, уларнинг маҳорат сирларини ўрганди. Касб ва лекторлик масалаларига бағишланган семинарлар эса, унинг учун катта тарбиявий ва камолот мактаби бўлиб хизмат қилди.

— Ўз шахсий тажрибамдан айта оламанки, — дейди бугунги кунда Ишченко, — агитация иши — бу фақат назарий масалаларни шунчаки баён қилиш, меҳнаткашларни қўлда газета ушлаб, қуруқдан-қуруқ меҳнатга даъват этишдан иборат эмас. Тингловчи сенинг юракдан гапираётганингга ишонмаса, унда қандай агитатор бўлдинг?!

— Яқинда биз меҳнат қилаётган Чирчиқ темир йўлчилар станциясига ишлаш учун Мусурмонқул Тожиев деган бир йигит келди, — деб давом этади Василий Лукьянович. — У ҳадеганда ишга қовушиб кетавермади. Сабаби у ўз кучига ишонмас, шу туфайли планларни ҳам ўлдажўлда бажарарди. Агитатор сифатида у билан алоҳида шуғулланишга тўғри келди. Маълум бўлишича бу ишчимиз ўз кучларидан нотўғри фойдаланар, кўпроқ «перекур» қилар, илғор тажрибаларга бефарқ қарар экан...

Ҳа, Мусурмонқул унинг жонкуярлиги билан коллективда муқим ўрнашиб қолди. Ишлари ҳам ёмон эмас. Василий Лукьянович ўз суҳбатларининг бирида рандалаш дастгоҳининг ишчиси, коммунистик меҳнат зарбдори Фозил Қозоқбоевга ана шу ёш ишчини мусобақага чақиришни маслаҳат берди. Мураббий билан шогирднинг меҳнат баҳси кўнгилдагидай бўлди. Мусобақа натижаларини ҳар ойда сарҳисоб қилиб бориш, меҳнат интизоми, қатъий график, устоздан ортда қолмаслик учун бутун имкониятларни ишга солиб ишлашга интилиш ўз самарасини кўрсатди. Бугунги кунда у ҳақда гап кетгудай бўлса, ҳамма бир оғиздан «устозни орқада қолдирган шогирд» дейишади.

Шундай қилиб, моҳир агитатор В. Л. Ишченко ўзининг ана шу сермеҳнат соҳасида тинимсиз изланиб, оммавий-сиёсий ишларнинг меҳнат билан ҳамоҳанглигига эришмоқда.

**И. ЗИМИН,**
**меҳнат ветерани, пенсионер.**

# ОММАНИНГ СИЁСИЙ ВА ИҚТИСОДИЙ ТАЪЛИМИНИ КПСС XXVII СЪЕЗДИ ТАЛАБЛАРИ ДАРАЖАСИГА КЎТАРАЙЛИК

Жамиятимиз ўз тараққиётининг масъулиятли даврини бошидан кечирмоқда. Партия, совет халқи КПСС XXVII съезди қарорларига амал қилиб, мамлакат социал-иқтисодий тараққиётини жадаллаштиришнинг бош йўлини амалга ошириш юзасидан кенг жабҳа бўйлаб иш олиб бормоқдалар. Ҳаётнинг сиёсий, иқтисодий ва маънавий соҳаларида катта ўзгаришлар юз бермоқда. Ижтимоий тараққиёт қудратли, жўшқин куч-қувват олдики, бу омманинг сиёсий онгини ошириб юборди. Талабчанлик, ҳақгўйлик муҳити барча амалий ишларга сафарбар этувчи таъсир ўтказмоқда. Коммунистлар, совет кишилари партия даъват этаётган қайта қуриш ҳамма жойда ва амалий тусда ўтиши учун қатъий ҳаракат қилмоқдалар, янгиликларни қизғин қўллаб-қувватламоқдалар. Планлар ва социалистик мажбуриятларни муваффақиятли бажариш учун мусобақа авж олдирилмоқда.

Бироқ қисқа вақт ичида йиллар давомида тўпланиб қолган камчиликларни бартараф этиб, ўн иккинчи беш йилликнинг ҳамма босқичларидан муваффақиятли ўтиш учун етарли бўлган суръатга эришиш мумкин, деб ҳисоблаш бемаврид бўлур эди. Интенсив экономика, сифат, самарадорлик, бошқарув ва хўжалик юритишнинг замонавий методлари сари бурилиш янгиликнинг эскиликка қарши кураши давомида рўй беради. Эскича фикрлаш, бўшашувчанлик, эскича ёндашиш ҳам орқага тортиб, таъсир қилмоқда, жадал ҳаракатга жиддий ғов бўлмоқда. Юз бераётган ўзгаришлар моҳиятини ҳали ҳамма тушуниб етгани йўқ, баъзи бировлар кутиб туришибди ёки партия режалаштирган иқтисодий ва сиёсий бурилишнинг муваффақиятига ишонмаяптилар.

КПСС Марказий Комитетининг 1986 йил июнь Пленуми XXVII съезд ишлаб чиққан бош йўл ҳаётда қандай рўёбга чиқарилаётганлигини муҳокама қилди, съезддан кейинги ишларнинг дастлабки якунларини чиқарди, партиянинг навбатдаги вазифаларини белгилаб берди. Пленумда социал-иқтисодий ва маънавий соҳалардаги вазифаларнинг мураккаблигига қараб, идеология ишларига талабчанлик ҳам ортиб боришига асосланиш керак, деб уқтирилди. Партия идеология фронтини янада активлаштиришга, миллионлаб кишиларни умумий иш йўлида жипслаштирувчи ҳаққоний ғояларнинг ташкил этувчи кучига таянмоқда.

* * *

КПСС меҳнаткашларни юксак ғоявийлик ва коммунизмга садоқат, совет ватанпарварлиги ва пролетар, социалистик интернационализм, меҳнатга ва ижтимоий бойликка онгли муносабат руҳида тарбиялашни, оммани маънавий маданият хазиналаридан тўлароқ баҳраманд этишни, социалистик турмуш тарзига ёт бўлган ахлоқни таг-томири билан тугатишни идеология ишидаги асосий вазифа, деб ҳисоблайди. Партия комитетлари ва ташкилотлари, идеология муассасалари яхлит марксча-ленинча дунёқарашни шакллантириш учун, совет кишиларининг сиёсий маданиятини, меҳнат ва социал активлигини ошириш учун партия программасидан, КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий докладидан, съезд қарорларининг ғоявий бойликларидан тўла-тўкис фойдаланишлари лозим.

Бу ишда кенг кўламда олиб борилаётган ҳамда ҳозир 65 миллион коммунист, комсомол ва партиясизларни қамраб олган сиёсий ва иқтисодий ўқиш муҳим роль ўйнайди. Жамиятимиз тараққиётининг ҳозирги бурилиш даврида сиёсий ва иқтисодий таълимнинг вазифаси, партия XXVII съездида таъкидлаб ўтилганидек, коммунистларни, меҳнаткашларни сиёсий жиҳатдан етук даражада фикр юритиш ва ҳаракат қилишга ўргатишдан, меҳнат ва ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг илғор формаларини ёйиш ва қарор топтиришга кўмаклашишдан иборат.

КПСС Марказий Комитети «1986/87 ўқув йилида меҳнаткашларнинг сиёсий ва иқтисодий таълимини ташкил этиш тўғрисида» қарор қабул қилди. Партия Марказий Комитети янги ўқув йилининг асосий вазифаларини белгилаб, партия ташкилотлари, пропагандистлар, тингловчиларнинг диққат-эътиборини келгуси ишларнинг икки муҳим хусусиятига қаратади. Уларнинг биринчиси — таълимнинг бутун мазмунини ҳозирги замон марксча-ленинча тафаккурининг катта ютуғи ҳисобланган, кўп йиллар учун белгиланган ишларимизнинг характерини аниқлаб берган ечимларни ўз ичига олувчи **КПСС XXVII съезди материалларини чуқур ўрганишга қаратишдир.** Мана шу чинакам бебаҳо ғоявий-назарий ва сиёсий бойликни барча совет кишилари онгига етказиш, ҳақиқат сабоғини кишиларга тўлароқ бериш, съездда вужудга келган янгиланишнинг қудратли ижодий омили сўниб қолишига йўл қўймаслик — пропагандистларнинг, таълимни ташкил этувчиларнинг масъулиятли бурчидир.

Янги ўқув йилида асосий диққат-эътибор энг муҳим проблемани — мамлакат социал-иқтисодий тараққиётини жадаллаштириш стратегиясини ўрганишга қаратилади. Бизнинг барча вазифаларимизни: яқин вақтдаги ва истиқболдаги вазифаларимизни, иқтисодий ва социал, сиёсий ва мафкуравий, ички ва ташқи вазифаларимизни ҳал этиш калити айни мана шу стратегияда эканлигини, фақат жадаллаштириш йўлидагина совет жамияти янги сифат ҳолатига эришиш мумкинлигини ҳар бир тингловчи тушуниб етиши лозим.

**«Мамлакатни социал-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштириш — КПСС-нинг стратегик йўли» сиёсий маориф системаси учун асосий ўқув курси бўлади.** Уни ўрганишни меҳнаткашлар турли категориялари меҳнат ва ижтимоий фаолияти характерини, уларнинг сиёсий ва умумтаълим тайёргарлиги даражасини, социал тажрибасини ҳисобга олиб, бу курсни ўрганишни табақалаштириб ташкил этиш мақсадга мувофиқдир. Ишлаб чиқилган ўқув программалари коммунистлар билан партиясизлар, ишчилар, колхозчилар, раҳбарлар, мутахассислар, илмий-тадқиқот ва лойиҳа институтлари ходимларининг, олий ўқув юртлари ўқитувчиларининг кенг доирасига мўлжалланган.

Курсни ўрганиш жараёнида жадаллаштириш энг аввало, иқтисодий ўсиш суръатларини оширишни кўзда тутаётганлигини англаб етиш муҳимдир. Аммо фақат шунинг ўзигина эмас, унинг моҳияти — ўсишнинг янги сифатида: фан-техника тараққиёти асосида ишлаб чиқаришни бутун чоралар билан интенсивлашда, экономикани структура жиҳатидан қайта қуриш, бошқариш, меҳнатни ташкил этиш ва рағбатлантиришнинг самарали формаларидадир.

Жадаллаштириш йўли фақат иқтисодий соҳадаги ўзгаришлардангина иборат эмас. У актив социал сиёсат ўтказишни, социал адолат принципини изчиллик билан қарор топтиришни кўзда тутади. Жадаллаштириш стратегияси ижтимоий муносабатларни такомиллаштиришни, сиёсий ва идеология ташкилотлари иш формалари ва методларини янгилашни, социалистик демократияни чуқурлаштиришни, эскиликни, турғунликни ва консерватизмни — ижтимоий тараққиётга халақит бераётган ҳамма нарсаларни кескин бартараф этишни тақозо қилади.

Партиянинг ғоявий-тарбиявий ишлар соҳасидаги йўл-йўриқлари ҳам социал-иқтисодий тараққиётни жадаллаштириш билан узвий боғлиқдир. Инсон омилини активлаштириш, илмий дунёқарашни шакллантириш, меҳнатсеварлик, ватанпарварлик, интернационализм руҳида, атеистик руҳда тарбиялашнинг, буржуа идеологиясига қарши курашнинг конкрет йўллари ижодий ташкилотлар ва союзлар, халқ маорифи, маданият ходимлари, жамиятшунос олимларга мўлжалланган мактаблар ва семинарларда муҳокама қилиниши лозим.

Совет жамиятини ривожлантиришнинг актуал масалалари СССРнинг социализм мамлакатлари билан ҳар томонлама ҳамкорлигининг янги вазифалари ва имкониятлари, қардош партиялар тажрибасидан фойдаланиш билан, дунёдаги ҳозирги аҳвол, тараққиёт ва реакция кучлари ўртасидаги курашнинг бориши ва истиқболи проблемалари билан боғлиқ ҳолда ўрганилиши лозим. КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачевнинг 18 августда совет телевидениеси орқали берган Баёноти янгича сиёсий тафаккур юритишнинг, ядро-космик даври реалликларини чуқур тушуниб етишнинг намунасидир.

**Меҳнаткашларнинг иқтисодий таълими системаси учун «Ишлаб чиқаришни интенсивлаш» курси тавсия этилади.** Интенсивлаш масалаларини халқ хўжалиги турли тармоқларининг ўзига хос хусусиятларини, тингловчиларнинг ишлаб чиқариш фаолиятини ҳисобга олиб, табақалаштирилган ҳолда ўрганиш мақсадга мувофиқдир. Ишлаб чиқилган ўқув программалари ишчилар, колхозчилар, инженер-техник ходимлар, мутахассислар, коллективларнинг раҳбарларига мўлжалланган.

Партия ташкилотлари, пропагандистлар, деб таъкидланади КПСС Марказий Комитетининг қарорида, ўқишни КПСС XXVII съезди олға сурган вазифаларни амалда ҳал этиш билан, йиллик планлар ва мажбуриятларни бажариш, меҳнат унумдорлиги ва маҳсулот сифатини ошириш, хўжалик юритишнинг янги методларини жорий этиш учун кураш билан чамбарчас боғлашлари лозим. Ўқиш давомида асосий ишлаб чиқариш фондларидан самарали фойдаланиш, ресурсларни тежаш, меҳнатни ва ишлаб чиқаришни ташкил этишни яхшилаш, коллективлар, бригадалар, участкалар, цехлар, фермалар ишини хўжалик ҳисоби асосида қайта қуриш юзасидан конкрет таклифларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш лозим.

